

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕБУОТ ҚҲМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 42 (65918)
1996 йил, 19 июнь, чоршанбаСотувда эркин
нархда

Долзарб мавзу

Қуйи синфларда ўқиб юрган кезларимда ёзги таътил бошланиши ҳаманоқ қишлоқдаги қариндошларимизникига йўл олардим. Мен тенги болаларнинг далаларда, полиз ва боғларда меҳнат қилиб, ота-оналарига кўмаклашаётганларини кўриб, уларга ҳавасим келарди. Болалар қўлларидан келганча оила маблағи

ТОТИМЛИ

га ўз улушларини қўшишар, мактаб формаси, ўқув кўроллари сотиб олиш учун ҳам ўзлари пул ишлаб топишарди. Қолаверса, уларда ёшликда ноқ меҳнатга муҳаббат, пешона тери билан топилган ҳар бир сўмни қадрлаш каби хислатлар шакллана борарди.

Мен ҳозир 10-синфни тамомладим, ёшим 16да. Оиладан 5 фарзандимиз. Лицейда ўқийман. Укаларим мактаб ёшида, сингилчам боғчага қатнайди. Тунов кўни ойим билан бозорга тушдик. Бир ҳафтага зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олдик. Бор пулимизни харажат қилиб юбордик. Ҳатто сингилмининг оёғига туфли сотиб олиш учун ҳам пулимиз қолмади. Ўшанда бирор йўл билан пул ишлаб топиб, ота-онамга ёрдам бера олмаётганимдан афсусланиб кетдим.

Мана, уч ойлик таътил давомида уйда бекор буламиз. Тўғри, уй юмушларига қарашамиз, лекин менимча бунинг ўзи кифоя қилмайди. Қўлимдан ҳеч бир иш келмайди, дедмайман. Мактабда утилган меҳнат таълими сабоқларидан бичиш-тикишга бироз бўлса-да, қўлим келишади. Ука ва сингилларимга кўйлак, шапка ва шу кабиларни бемалол тикиб бера оламан. Лекин биз ана шу ҳунаримизни амалиётда қўллаб, бирор фойда ололмаямиз.

Қўнчилик тенгдошларимиз ҳозир бозорларда савдо-сотик билан шуғулланиб, пул топишяпти. Лекин уларни меҳнат билан пул топишяпти, деб бўлмайди. Менимча, улар

ТАЪТИЛНИНГ

олиб-сотарлик, олғирлик, кўз-бўямачиликни урганишяпти, холос. Тунов кўни ўқишдан қайтаётиб, автобус бекатида ўз фарзандларидан ҳасрат қилаётган икки аёлнинг суҳбати қўлогимга чалиниб қолди:

— Отаси ҳаётлигида Муроджонга ишподромдан кўтарасига арзон нархда ул-бул келтириб берарди. Муроджон эса 1—2 сўм устама нарх қўйиб сотарди. Отасининг вафотидан кейин ўғлим уйдаги нарсаларни ҳам олиб чиқиб, пуллайдиган одат чиқарди. Яқинда акасининг никоҳ узугини ҳам сотиб юборибди. Бўлди жанжал, бўлди жанжал.

— Вой, нимасини айтасиз ўртоқжон. Менинг ҳам 3-синфда ўқийдиган зумрашам йўлкира учун берган пулимга 1 сўмдан сақич сотиб олиб, синфдошларига 3 сўмдан пуллаб юрган экан. Бу ҳам етмагандек дарслардан қочармиш. Энди бир оёғим ишда-ю бир оёғим

ТОМОНЛАРИ

мактабда бўлиб қолди...

Уларни кузатиб туриб, сочларига барвақт оқ оралаган аёлларга раҳмим келиб кетди. Ўзу-кўн ишда бўлишади. Уйга келишади-ю ошхонага чопишади, ош-овқат, кир-чир дегандек. Фарзандларини тарбиялаш, тергаб суриштиришга қайдан ҳам вақт топишсин? Аниқланишича, ишлайдиган аёллар фарзандлари учун кўн давомида 17 дақиқагина вақт ажратишар экан... Бўни уйлаб қуриш керак, деган ҳолда, яна бир таклиф: Уч ойлик таътил давомида юқори синф ўқувчиларининг меҳнат қилишлари учун аниқ шароитлар яратилса. Айтайлик, қизлар учун мактаб қошида кичик корхоналар ташкил қилинса. Бирор корхона, фабрикалар билан шартнома асосида чойшаб, ёстиқ жилд, сочик ва шу каби маҳсулотлар тикишса. Ўғил болалар эса яқин атрофдаги хўжаликларда етиштирилган мева ва сабзавотларни йиғиш ишларига жалб қилинса. Токи бозорлардаги «учар бизнесменлар» меҳнатсиз даромадга кўникмасинлар. Шундагина таътилнинг тотини тотамиз.


Нилуфар БОЗДРОВА,
Сирождидинов номли
лицей-мактабнинг
10-синф ўқувчиси.

ЎЗАМАЗ

ЎЗАМАЗ ЭХТИЁТНИ ҚИЛАМАЗ

Ўқув йили яқунланиши билан мактаб ўқитувчилари олдида синф хоналарини таъмирлаб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйиш вазифалари кўндаланг бўлиб туради. Шайхонтоҳур туманидаги Ҳабиб Турсунов номли мактаб ўқитув-

ТАЪМИРЛАСАК,



қўямиз, — дейишяпти улар ишонч билан. Таъмирлаш жараёнида дилда бир туйғу жуш ургани ҳам рост: Ўзимиз қилган меҳнатлар ҳаққи, келгуси йилда синф хонамизни озода сақлаб, эҳтиётини қиламиз!

Суратларда: таъмирлаш ишлари қизгин.

Р. Альбеков олган
суратлар.

чилари эса бундай ташвишдан ҳоли бўдилар. Мактаб директори Жамолддин ака Эшбоевнинг ташаббуси билан 10-«А», ҳамда 10-«Б» синф ўқувчиларидан иборат гуруҳ тузилди. Унга аъзо бўлган 46 нафар ўқувчиларга ўқитувчилари Аҳмаджон ака Юнусов ва Тоҳир ака Усмонбековлар раҳбарлик қилишяпти. Тожибой Худойбердиев, Шокир Ваҳобов сингари ота-оналар ҳам таъмирлаш ишларига яқиндан ёрдам беришяпти. Ўғил болалар синф хоналари-

ни буюқдан чиқариб, йўлакларни оқлашса, 9-синф қизлари йўлка деворларини, деразаларни ювиб чиқишяпти. Ўқувчилар, ўқитувчи ва ота-оналарнинг саъйи-ҳаракатлари билан 44 та синф хонаси, фаоллар зали, йўлкалар, 6 блокдан иборат зални ҳам таъмирдан чиқариш кўзда тутилган.

— Қадрдон мактабимизни таъмирлаш ишларини узоғи билан 20 июнгача яқунлаб, янги ўқув йилига тахт қилиб



Сабзордаги маҳаллалардан утиб кетаётган Машкура опанинг кузи сув буйидаги утлардан юлиб, бир-бирларига отиб утиришган қизларга тушди. Уларнинг бирлари уз «ҳазили»дан ҳузур қилиб кулса, бошқаси ранжир эди...

— Бекорчиликдан зерикиб утирибсизларми, дейман-а? — суради Машкура опа.

— Уқишлар йук, уй юмушларимизни эса бажариб бўлдик...

Унда, тўқиш, тикишни ўрганишлар. Ё хоҳламайсизларми?

— Хоҳлаймиз, хоҳлаймиз, — баробар жавоб беришди қизлар. Уша кунiek Машкура опа қизларнинг оналари билан суҳбатлашди:

— Тугарагингиз пуллими? — оналарни қизиқтирган са-

вол шу бўлди.

— Йук, бепул. Буш вақтлари зое кетмасин, бирор ҳунарли бўлиб қолишсин, дейман-да.

— Бепул экан, қолаверса, узоқ ҳам эмас. Боришса, бора қолишсин, — рози бўлишди она-

ган Машкура опа Рашида опа Шукурова, Нозима опа Султонова, Раъно опа Тулаева, Муҳаббат опа Шоазизова сингари устозларини миннатдорчилик билан хотирлайдилар. Энди устозлик қилаётган опанинг шо-

ҳам онам, ҳам устозимсиз, дея севиб, ардоқлайдиган Малика ва Маъмура қаранг, қандай шеър ёзишибди.

ОНАЖОНИМ

Онажоним, меҳрибоним,
Эллик ёшга кирибсиз.
Шукур, ҳануз нур жаҳоним,
Навнихолдек юрибсиз.

**ҲАМ УСМОЗУМ,
ҲАМ ОНАМСИЗ**

лар. Машкура опага болаларнинг руҳияти жуда яхши таниш, улар орқали ота-оналарини ҳам анчагина тушуниб қолган. Чунки, 25 йилдирки шахримиздаги 139-мактабда меҳнат таълимидан сабоқ берадилар. Уқувчилик йиллариданоқ қул каштачилиги, кейинроқ эса бичиштиқиш, машина каштачилиги тугарақларига мунтазам қатнаб, чеварликнинг ҳадисини ол-

гирдлари орасида уз қизи Маъмура ва Малика ҳам бор. Қизлар «Хулкар» номли ёш қаламкашлар тугарагининг ҳам аъзоси. Тугаракка таниқли шоира Мукаррама опа Муродова раҳбарлик қилади.

Оналари Машкура опани,

Юзингизда ажнлармас,
Бахтиёрлик хати бор.
Қошингизга қилиб ҳавас,
Қалдирғоч келар баҳор.
Дўппи тиккан қўлларингиз,
Ипакдайин мулойим.
Гулга тўлди йўлларингиз,
Саломат бўлинг доим.

Биз беш фарзанд, бешта бармоқ,

Қўлингизмиз, онажон.

Умрингиздан бешта ирмоқ,

Йўлингизмиз, Онажон,

Омон бўлинг бахтимизга,

Кириг яна юз ёшга.

Сиз кексайган чоғингизда,

Кўтариб юрай бошда.

Ҳаётини болаларга бағишлаб, уларга ҳунар ва одамийликдан дарс бераётган Машкура опа Азимовани биз ҳам муборак ёшлари билан табриқлаймиз.

**Жўрабек ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳри.**

Шифобахш неъматлар

Урик атргуллидошлар оиласига мансуб, буйи 10 м. ва ундан ҳам баланд бўлган данак мевали дарахт. Март-апрель ойларида гуллайди, меваси май-июнда пишад.

Урик табиий ҳолда Марказий Осиё тоғлари, Марказий ва Шимоли-Шарқий Доғистонда усади. Урик мевалари таркибида 27 фоизга қадар қанд, 2,5 фоизгача органик кислоталар пектин, крахмал, опловчи моддалар, темир, мис, кальций, магний микроэлементлари, калий тузлари билан бир қаторда витамин С. РР. каротин каби фойдали моддалар бор. Урик мағзи таркибида 50 фоизга қадар мой, оксил моддалар, Витамин В15, гликозид, амигдалин (аччиқ урик данагида 8,43 фоизгача) мавжуд.

Урик елими таркибида галактоза, глюкрон кислотаси, арабиноза, оксил, 2,5 фоиз микроэлементлар бўлади.

Абу Али ибн Сино урик ва унинг елимидан ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашда фойдаланган.


Халқ табобатида юрак огриганда, хафақон касаллигида урик мағзидан чой дамлаб ичиш тавсия қилинади. Урик мағзи бошқа доривор усимликлар билан бирга нафас йўлларининг яллиғланиши касалликларида, кукйуталда тавсия этилади.

Унинг мевалари кишига дармон бағишлайди, камқонлик билан огрийдиган кишиларга даво бўлади. Шунингдек, урик таркибида мавжуд бўлган калий тузлари юрак-қон томир системаси касалликлари билан огриган беморларга фойдалидир. Урик мағзидан бошқа доривор усимликлар билан бирга нефрит касаллигини даволашда фойдаланилади.

Урик данагининг пучоқларидан активлаштирилган кумир олинади. Бир гектар урикзорлардан боларилар 40 кг гача аъло навли асал йиғиши мумкин.

Ўзбекистонда умумий мевазорларнинг 45 фоизини урикзорлар ташкил қилади. Фарғона ва Зарафшон водийларидаги умумий мевазорларнинг эса 90 фоизи урикзорлардан иборат.

Ўзбекистонда устириладиган урик навларидан баъзилари ҳақида маълумот келтирамиз.



КЎРСОДИК — туршакбоп, жайдари урик нави ҳисобланади. Дарахти забардаст. Меваси июнь охири — июль бошларида пишад, деярли тукилмайди, дарахтда туриб туршак бўлади, огирлиги 30-35 г. атрофида, куриниши тухумсимон, рангли туқ-сарик, меваси нордон — ширин, данаги йирик, этидан осон ажралади.

МИРСАНЖАЛИ — Туршакбоп жайдари нав бўлиб, эрта гуллайди, серҳосил иолнинг биринчи ярмида етилиб пишад. Меваси юмалоқ, сарик, бироз туқли, данаги этидан осмон ажралмайди. Мева-

сининг огирлиги 25-30 г. келади.

АҲРОРИ — эртапишар нав бўлиб, меваси 45-50 г. келади. Кечроқ гуллайди. Меваси думалоқ бўлиб, ранги қизил ёки туқ, сарик туқли, бироз толали, хушхур. Данаги этидан ажралмайди, мағзи аччиқ бўлади. Меваси фақат сарҳиллигида ейилади.

ИСФАРАК — урикнинг туршакбоп жайдари нави. Меваси июль бошларида пишад. Огирлиги 25-30 г., думалоқ, эти оч зарғалдоқ, кам сув, мазаси ширин бўлиб, данаги этидан осон ажралади.

ЎРИК



Олимларнинг маълумотларига қараганда, урикнинг яна қатор янги навлари яратилган. Булар Заря Востока, Юбилейний, Руҳи жувонон, Субҳони Арзами ва яна бошқалардир.

Урик мавсуми бошланди. Туйиб еб, шифобахш озуқага туйининг, болалар!

БАЛАНД УЧ. ОСМОҲАЧ ҚУЧ...
Р.Альбеков сурат-лавҳаси



ШОТУТ

Шотут ҳам сиз севиб истеъмол қилсангиз арзийдиган мева. Тани-сиҳатлигингиз, яхши кайфиятлигингиз, фарқ пишган чоғида қанчалар туйиб еган шу меваларингизга боғлиқ. Шотутнинг буйи 15 метргача боради. Барглари юраксимон, гуллари бир жинслик. Апрель ойида гуллайди. Июнь—июль ойида пишад. Мевасининг ранги қора ёки бинафша ранг бўлиб, сершира, туп мева. Унинг таркибида 1,7 фоиз қанд, органик кислоталар, бўевчи моддалар бор. Шотут мевасини чилонжийда меваси билан қайнатиб, дифтерия, скарлатина касалликларини даволашда ишлатилади. Оғиз бушлиги ҳам касаланганда шундай қайнатма билан чайиш мумкин. Шотут чанқоқ қолдирувчи омил. Абу Али ибн Сино шотут баргининг шираси билан томоқ, оғиз ва тиш касалликларини даволаган. Мевасини дизентерия, бош огриги, қон кетиш касаллигида ишлатган. У жой танлайдиган, совуққа унчалик чидамли бўлмагани учун асосан пайвандлаш йули билан купайтирилади. Пишиқчилик кунларида шотутни туйиб енга, баҳор-куз фаслларида уни пайвандлаб, купайтириш пайига тушинг. Саломатлигингиз табиат инъоми — сара меваларга боғлиқ.



Афзалхон Рашидхужаев республика махсус санъат-интернатининг 1-синфини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан тамомлади. Расм чизиш жону-дили. Шунинг учун ҳам уни маҳалладаги уртоқлари «рассом бола» дейишади. Моҳир мусаввирлар — Даврон Муҳиддинов, Александр Перов, Анвар Мирсоатов асарларига соатлаб термуладиган, қоғоз-қалам олиб алланималар қоралайдиган болакайни суҳбатга тортдик.

— Афзалхон, яна нималарга

ФИЛ БОҚАРДИМ

қизиқасан?

— Расм чизишга.

— Буни биламиз, аммо расм чизишдан ташқари яна нима билан машғул бўласан, — демоқчимиз.

— Дзю-дога қизиқаман. Уйимизнинг олдидаги билим юртида тугарак очилган. Ҳафтасига уч маротаба шу тугаракка қатнаб Илгиз ва Шухрат акалардан дзю-донинг сирини урганаяпман. Яна доира чалишгайм қизиқаман.

— Ўртоқларинг кўпми? Қайси бири энг яхшиси?

— Азиз, Шухрат, Бехзод, Босит исмли уртоқларим бор. Энг яхшиси Азиз, у билан чин дустимиз. Битта «дом»да яшаймиз, фақат бошқа-бошқа мактабда ўқиймиз ёмон-да.

— Улғайгач кимга ўқашини орзу қиласан?

— Тоғам Заҳриддин Эшонху-

жаевга ухшамоқчиман. Яқинда бўлиб ўтган эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатини кўрдингизми? Тоғам унда ҳакамлик қилдилар. Улар жуда-жуда кучлилар, соатлаб машқ қилсалар ҳам чарчамайдилар.

— Нима учун тоғанга ўхшаган кучли бўлмоқчисан? Ўртоқларинг-ни барида «зўр» бўлиш учунми?

— Вой шуниям билмайсизми? Айтайлик мен яхши курган қизим билан кучада кетяпман. Олдимиздан уч-туртта безорилар чиқиб қолишди. Безорилардан қизни ҳимоя қилиш керакми ахир?!

— Ие, ҳали яхши кўрган қизинг ҳам борми?

— Ҳозирча йўқ. Ҳаммадан ойимни яхши кураман. Чиройли қизларни жиним ёқтирмайди.

— Бундан чиқди, катта бўлганингда хушхуш қизлар билан дў-

стлашар экансан-да?

— Йўқ, чунки ойим истараси иссиқ қизларни ёқтирадилар.

— Афзалхон, айтгин-чи, сенга қачон илҳом келади?

— Хушманзара хиёбонларга, сайилгоҳларга, ҳайвонот боғларига борганимда. Купроқ шундай жойларга олиб боришса яхши буларди. Ҳайвонот боғига қачон борганимни ҳам эслай олмайман. Катталарнинг доим вақти йўқ. Мен ҳайвонларни жуда яхши кураман. Иложи бўлсайди, балконда ҳатто фил боқардим. (узи кулади.)

— Уйдагилар сени уришиб тури-

шадими?

— Аскар акам купроқ уришадилар. Бекорга эмас албатта. Узим қитмирлик қиламан, расм чизаётган вақтларида ҳалақит бераман. Булмаса зеркиб қоламан-да. Қанча уришсалар ҳам барибир акамни жуда-жуда яхши кураман. Биз бир мактабда ўқиймиз.

— Шейр ўқишни ҳам ёқтирасанми?

Сузсиз бош кимирилатади-да, шейр ўқий кетди:


Йўллар юрдим бепоеъ,
Гуллар тердим бир жаҳон,
Хаёлларим сиз томон,
Учар доим онажон!

— Ҳозир ниманинг расмини чизяпсан?

— Ниманинг эмас, кимнинг денг. Ойижонимнинг расмларини чизяпман... Улар ҳақида уйла-сам илҳомим келади.

Эзгулик, яхшилик дунёдаги жамийки яхши нарсалар тимсолида фақатгина Онажонисини қурайдиган Афзалхоннинг дилидаги оппоқ орзулари ҳамроҳ бўлишига тилакдошимиз.

Маъпура НАБИЕВА
суҳбатлашди.



ШОШҚАЛОҚ НАБИРА

Айтайлик, сиз кекса бувингиз ёки бувангиз билан уйда ёлғиз қолдингиз. Кутилмаганда уларнинг бироз тоби қочиб қолди. Сизнинг қай аҳволга тушиб қолишингиз тайин: хавотирланиб, нима қиларингизни билмай қоласиз, шундай эмасми?! Туниск шаҳрида яшовчи тенгдошингиз 10 ёшли Маша исмли қизалоқ бу борада анча тажрибали чиқиб қолди. Урнида ҳаракатсиз ётган бобосини бир-икки чақириб кўрди. Бобоси жавоб бера-вермагач, уни улдига чиқариб, бироз куз ёши ҳам қилиб олди. Лекин тезда узини қулга олиб, ишга киришди: бобосининг сочларини таради, қуйлак тугмаларини қадаб, ёқаларини тартибга солди. Икки қулини куксига қуйиб, шам ушлатиб қуйди-да, узи ота-онасининг ёнига опикди. Бу шумхабардан довдираб қолган ота-она-

си жон ҳолатда уйга югуришди.

Бирок уйларида бутунлай бошқача манзаранинг гувоҳи бўлишди. Улар етиб келгунларича, мурда тирилиб қолган эди. Тиниқиб ухлаб олган Машанинг бобоси ҳеч гапдан беҳабар ошхонада чойхурлик қилиб утирарди.


БАҲОЛАРИ «5», АММО...

Мактабда аъло баҳоларга ўқийдиган, айниқса, математика фанидан доим «5» баҳолар олиб келадиган бир қизчанинг онаси нолиб, шундай ёзди: Қизимнинг математикадан олган баҳолари доимо «5». Лекин пайқашимча, у мисол ва масалалар счимини ҳаёлан ҳисоблаганда бироз қийналади. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Бу борада британиялик психолог Тони Уорднинг фикри қуйидагича экан: Унинг узоқ йиллик тадқиқотлари натижаси шунини кўрсатадики, 45 ёш-

дан 65 ёшгача бўлган кишилар 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган кишиларга нисбатан миёда анча тезкор ва аниқлик билан ҳисоблай олишар экан.

Лекин профессор Уорд бу ҳолнинг яна бир изоҳини кўрсатади. У ҳам бўлса айни пайтда



нафақат катталар, болалар орасида ҳам кенг тарқалган митти ҳисоблаш калькуляторларидир. Деярли ҳар бир ўқувчининг бе-миннат дастурига айланган

калькуляторлар ўқувчиларнинг миёда ҳисоблаш қобилиятларини пасайтириб юборади. Олимларнинг асосли фикрларидан келиб чиққан ҳолда Англия мактабларининг бошлангич синфлари дастурига шундай математик топшириқлар киритилганки, ўқувчилардан уларни калькуляторлар ёрдамисиз ечиш талаб қилинади. Уйлашимизча, бундай ибратли тажриба бизнинг мактабларимизда ҳам қўлланилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

ЙИРТҚИЧ ЎЙИНЧОҚЛАР

Сарлавҳани ўқиб ажабланаётгандирсиз, ўйинчоқларнинг ҳам йиртқичи бўладими, деб. Буни қарангки, булар экан. Тула шаҳридаги йирик дуконларнинг деярли барчасида сотилаётган юмшоқ ўйинчоқлар шу даражада ёқимтой ва паҳмоқ эдиларки, болалар учун бундан ажайиб совға олиш мумкин эмасди. «Болалар дунёси» дуконининг пештоқини тўлдириб юборилган юм-

Аралаш-қуралаш

шоқ айиқча ва кучукчаларни сотиб олиш учун турган харидорларнинг ҳам кети қуринмасди. Паҳмоқ ўйинчоқлардан харид қилиб, хурсанд бўлиб уйга қайтаётган харидордан бири бехосдан Гейгернинг улчагичи ёнидан ўтиб қолди. Мослама тусатдан жонланиб, ута юқори даражадаги нурланиш рақамини кўрсатдики, давлат санэпидназорати ходимларининг тепа сочлари тика бўлиб кетди. Маълум бўлишича, Хитойдан келтирилатган бу ўйинчоқларга хавфсизлиги ҳақидаги сертификат илова қилинган бўлса-да, ўйинчоқлар ҳам, уларнинг идишлари ҳам ҳар қандай меъёрдан 60-100 баробар ортиқ радиоактив нурлар билан ифлосланганлиги аниқланди ва тезлик билан бундай «ажойиб» Хитой совғалари дукон пештахталаридан йиғиштириб олинди.

Омск шаҳрида ҳам Хитойдан келтирилган ўйинчоқларга хавфсизлиги ҳақидаги сертификат бериш даврида бундай ўйинчоқларнинг ҳатто гилофлари ҳам альфа ва бета радионурлари билан заҳарланганлиги аниқланган. Шарқдан келатган совғаларнинг ровғасига нима десак экан?!

Мирзо Абдулқодир Бедил ижоди инсоният бадиий тафаккури тарихининг шукуҳли саҳифаларидан бири. Шоир яшган давр ва ундан олдин кечган мураккаб тарихий жараёнларни кузатган киши беихтиёр, бир неча асрларнинг ҳарбу зарблари, жанглар ва сулҳлар; бутун-бутун эллар ва элатларнинг, уруғлар ва аймоқларнинг сарсон-саргардонликлари, салтанатларнинг тантана ҳамда таназзуллари Мирзо Абдулқодир Бедилни дунёга келтириш, унга ҳайратланарли бир тақдир, гаройиб бир таржимаи ҳол яратиб бериш, муъжизақор шеърятга муносиб замин тайёрлаш учун юз бермаганмикан, деган ҳаёлга боради.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар юргизган маърифатпарварлик сиёсатининг шамоллари ҳамда улкамизда тарих тақозоси билан булиб утган парокандаликлар ун олтинчи асрда Марказий Осиёнинг купина истеъдод эгаларини, руҳиятини маънавиятга ташна муъмин-мусулмон Ҳиндистон тарафларга олиб кета

бошлади. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг шеъру ҳикмат майдонига чиқиши ҳам, аслида айтиб утганимиздек, мана шу долгаларнинг узи-га хос бир шарафли меваси эди. Негаки, тугилажак шоирнинг отаси, Шахрисабз атрофидаги туркий қавмларнинг барлос уруғидан бўлиш инсон уша пайтда Ҳаж сафарини ихтиёр этган, муроди ҳосил

уз саъий ҳаракатлари ҳамда ҳашу акраболарининг яқиндан кумаги туфайли орттирган юксак билимлари ва бу фазилатлари эвазига шакланган феълү атвори Абдулқодирнинг ҳарбий хизматда узоқ қолишига йул қўймади. Аврангзебнинг угли Мухаммад Аъзамшоҳ ҳузурида юқори ҳарбий мартабага эга бўлган шоир ҳаётини

воҳлик беришича, Мирзо Абдулқодир Бедил ижодида подшоҳлар шаънига битилган бирон мисра ҳам ҳамду сано йўқ экан. Дарҳақиқат, узини инсоният маънавий сарҳадлари уфқини кегайтиришига, чинакам маърифатпарварликка камарбаста деб билган бундай инсонни маддоҳ сифатида қуриш мумкин бўлмаган бир ҳолдир.

Таржима юзасидан изланишлар давомидан кўрдимки, айти кунларда ҳам Хоразмнинг деярли ҳар бир мавзесида Бедил қўлиётлари учраб туради. Қатагон йиллари китоблар биринчи навбатда қирғинга учраганликлари ни уйласак, ҳамюртларимизнинг бугунгача Бедил жилдларини асраб-авайлаб келганликлари ич-ичимдан қувонаман, негаки бу жилдлар қумилган, ёқилган, ташмалаб кетилган битиклардан қолган қутлуг вакиллардир. Ҳозир уқувчи оз, китоб куп. Илгари аксинча бўлган. Илгари бир дона китобни қанча-қанчалаб одамлар қўлдан, қўздан, қўнгилдан утказганлар, ўқиганлар, урганганлар, анлаганлар. Биз мазийнинг мана шу яхшиликларини давом қилдирмоғимиз лозим.

Ҳаммамизга халқимизнинг Мирзо Абдулқодир Бедил ижодига ихлоси тикланишида, шубҳасиз, уқувчиларимизнинг, маориф жабҳаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Матназар АБДУЛҲАКИМ.

МУТОПАА МАВСУМИ

бўлгач, қайтаётиб, бобурийлар яратган муҳит жозибаси туфайли Ҳиндистонда муқим бўлиб қолган эди. Шундай қилиб, Мирзо Абдулқодир Бедил уша тупроқда бундан роппа-роса уч юз эллик йил муқаддам Азимобод шаҳрида таваллуд топди.

Ҳарбийлар сулоласидан бўлган Мирзо Абдулқодирнинг уз меҳнат фаолиятини сипоҳликдан бошлагани мутлақо табиий бир ҳолдир. Тагин шуниси ҳам табиийки, Аллоҳ таоло инъом этган истеъдоднинг аҳволи руҳияси шоирнинг

буткул бадиий ижодга бағишланиши мақсад қилиб истеъфо берди. Сунгра, асосан, Деҳлида умргузаронлик қилди, Ҳиндистонлик форсийгуй шоирларнинг пешвоси сифатида қизгин бадиий, илмий-фалсафий, ижтимоий ҳамда тарбиявий фаолият билан машғул бўлди.

Мирзо Абдулқодир Бедил чин мусулмон сифатида Аллоҳпараст инсон эди, шу сабабдан ҳам унинг бутун мероси парвардигори олам ҳақида ҳамда у яратган муъжизаларга бағишлаб битилган шарафномадир. Аҳмадхон Лудийнинг ту-

Мирзо Абдулқодир Бедил ижодида йўлга отланаётган карвон тимсоли куп учрайди. Гарчи бу тимсол, асосан, мажозий бир мазмун ташмоқ учун хизмат қилса ҳамки, унинг тагин бир қатлам ботиний мазмуни бор. Бу ҳам бўлса, шоирнинг уз ота макони Туркистонга бўлган гузал бир таппиниши, дардли бир соғинчидир. Мирзо Бедил ҳазратлари нима ҳақда қалам тебратмасин, унинг ҳар бир мисрасида, ҳар бир сатрида поёнсиз айрилиқ уқубати зирқираб туради.

Зор қанот қоқсамки, беҳудалик аён бўлғусидир,
Бу билан исён эмас, ҳолим баён бўлғусидир.

Бир қадам ҳам беҳуда кетмас, агар хуш изласак,
Йўқса тош, гафлат босиб, биздан нишон бўлғусидир.

Бўл фақир сен хокисорлик бирла, охир бир кун
Бир ҳовуч хокини ел тахтиравон бўлғусидир.

Гар худосизларга қолса ушбу уммонлар кун,
Парчаланган барча елган, кема қон бўлғусидир.

Ваҳму таҳмат, ғам балоси бирла ҳар кўрк барҳаёт,
Болу парини қўлкаси тоғ деб гумон бўлғусидир.

Қанчалик ҳуркитмангиз, бахт қўшлари мижжамда-
дир,
Минг қанот бир кинригим ичра ниҳон бўлғусидир.

Гар баён айлай десам ожизлигим, ожиз тилим,
Кўзларим фарёд чекар, бу не фиғон бўлғусидир.

Ҳар парин ҳасрат қилиб тўккач, йиликлар сачратур,
Беқанот бўлғай ҳумо, беустихон бўлғусидир.

Авланиб ваҳшатли суҳбат, бўлди ҳар тил бир олов,
Аҳли карвон ёққан ўт ҳам карвон бўлғусидир.

Ҳар недан кечмакка, Бедил, арзигаидир ҳақ йўли,
Бир юкин бўлса бу йўлда, минг доvon бўлғусидир.

Чекиб мен дард, биров ором аро сақлайди жон бунда,
Икки олам-ку бир тилсим, калити бегумон бунда.

Хуноб бўлманг сўраб мақсад йўлини биздек майиблар-
дан,
Оёқлардан бирон-бир из қолурми ҳеч қачон бунда.



Таним қон ёшга ғарқ деб, мулки ҳайратта қадам қўйма,
Кўзингдан томмоғи таъқиқдир ҳатто қатра қон бунда.

Кўзимдан гар умид учқунлари сўнган, ажаб эрмас,
Мурод-мақсадга етмакка илинж йўқ бир замон бунда.

Нақш банд айлсанг дилга, бўлур таҳликадан озод,
Нақшми ё ваҳм афзал, очиб кўр фол, гумон бунда.

Ғажиб ташлайди шавқимни алам, айтигин, нечун йўқса
Баҳорим гулларин қўртлар қилибдурлар хазон бунда.

Билинг, бизнинг кафан машҳадда тенгдир жон баҳоси-
га,
Шаҳидлардир яланғоч шул сабаб тўкканча қон бунда.

Ки дардлар ҳамласи тўлғантирар борлиқ ва йўқликини,
Сен ҳам, Бедил, эшиттайсан қулоқ тутсанг фиғон
бунда.

Ёниқ дил гавҳари ё қатра-қатра ноб шабнамлар,
Ё кўз ёшдек жаҳон сирри ниҳон, ноёб шабнамлар.

Ки гафлат зулматин огоҳлик нурига жам қилмас,
Саҳар бедор ёнар милт-милт ютиб зардоб шабнамлар.

Қаерга бормайин, кўзёшларим менга ватан бўлди,
Жаҳонни қатралардир айлади салоб шабнамлар.

Ўзингдан кетма дардинга бўлиб мағрур, кўзим ёшим,
Ки сутдек нуллари қилди бу тун маҳтоб шабнамлар.

Ажабмас кўз ёшим бўлса агар жононима манзур,
Не янглиғ, оҳ чарақлар, кўрса гар офтоб шабнамлар.

Тизилди минглаган кўз гавҳари рухсори ойимга,
Қаторлашган каби гулзор уза шаффоф шабнамлар.

Зулумот пардасини олғай сиғиб ҳадди улардан тонг,
Мени, дилхастани қилғай батар бетоб шабнамлар.

Юзи гуллар висолидин кўринмас бахт нишони ҳеч,
Шу боис лолалар бағридадир хуноб шабнамлар.

Занфлик тавқи бўйинимда, ки юксакликка даҳлим йўқ,
Оёқ отсинда минг юлдуз каби сероб шабнамлар.

Уқитувчи уқувчидан суради:
— Таркибида сут бор бешта

нарсани айт.

— Сариёғ, пишлоқ ва учта
ситир.


— Эртага еймиз деб олиб
қуйган сомсаларни сен единг-
ми, уғлим?

— Ҳа, мен едим, ойижон.
Узингиз айтган эдингиз-ку, бу-
гунги ишни эртага қўйма, деб.

Ота: Соатни устага олиб бо-

риш керак. Тухтаб қолибди.
Уни тозалатиш керакка ух-
шайди.

Қиз: Ия, дада, менуни кеча-
гина совулаб ювганман. Той-
тоза...



— Равшан, катта булсанг
ким бўлмоқчисан?

— Мен эртаю-кеч машина-
да юришни, чунтақларим дои-
мо пулга тула бўлишини орзу
қиламан.

— Бўлди, уғлим, билдим, кат-
та булсанг автобус кондуктори
бўлишни орзу қиларкансан.

— Қизим, олмадан синглинг-
га ҳам бердингми?

— Ҳа, бердим. Унга яхшиси-
ни бердим.

— Қандай яхшисини?

— Мен унга уруғини бердим.
Экиб қўйса ҳадемай дарахт бу-
лади ва жуда куп олма қилади.

— Жамила, ростингни айт,

иншони сенга ким ёзиб берди?

— Чин сўзим, билмайман,
устоз, мен жуда эрта ухлагга
ётаман.

— Дада, нега сизнинг авто-
мобилингиз йўқ?

— Уни сотиб олишга менда
пул йўқ. Агар сен мактабда ях-
ши ўқисанг, эҳтимол, катта бул-
ганингда автомобиль сотиб
оларсан.

— Дада, демак, сиз мактабда
жуда ёмон ўқиган экансиз-да...

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0317.
7691 нусхада босилди.
Қўғоз бичими — А-3.
Босингга тошириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтти тартиби
№ 000137
• Мажлисий: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

• Телефон:
33-44-25

